

**“4 - SONLI MONTAJ BOSHQARMASI”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**2020 ЙИЛ 31 ДЕКАБРДА ЯКУНЛАНГАН ЙИЛ УЧУН МОЛИЯВИЙ  
ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТАЛАРИ АСОСИДА  
ТАЙЁРЛАНГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ВА  
МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Ўзбекистон Республикаси  
“FTF-LEA-AUDIT”

Аудиторлик ташкилоти  
100003, Тошкент ш, Чилонзор тум.,  
Олмазор мавзе, 8/1 уй, 2-йўлак  
тел.: (71)245-23-37, (90)998-19-28,  
(90)808-60-94

E-mail: [ftf-audit@yandex.ru](mailto:ftf-audit@yandex.ru)



Республика Узбекистан  
Аудиторская организация  
“FTF-LEA-AUDIT”

р/сч. 20208000104132780001, в ЦОРФ  
“УЗПРОМСТРОЙБАНК”, МФО:00442,  
ИНН: 203677795, ОКЭД: 69202  
Сайт: <http://www.ftf-centre.uz>

2021 йил “10” июнь

№ “21-061/1”

«4 - SONLI MONTAJ BOSHQARMASI» Акциядорлик жамияти  
таъсисчилари ва раҳбариятига

## МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

### БУЮРТМАЧИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ:

Номи: «4 - SONLI MONTAJ BOSHQARMASI» Акциядорлик жамияти

Манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, С.Рахимов маҳалласи,  
ТошИЭС кўчаси

СТИР: 201577810, ИФУТ: 42990

### АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Номи: МЧЖ АТ “FTF-LEA-AUDIT”

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор массиви, 8/1 уй, 2 кириш.

Давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳнома: 2001-йил 31-июлда берилган № 663 сонли  
гувоҳнома

Лицензия: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 1-апрелда  
берилган АФ № 00747 сонли Лицензия.

### Фикр

Бизнинг фикримизча, илова қилинаётган молиявий ҳисоботлар “4 - SONLI MONTAJ BOSHQARMASI” Акциядорлик жамияти (кейинги матнларда “Жамият”)нинг 2020 йил 31 декабрда бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

### Аудит предмети

Биз “4 - SONLI MONTAJ BOSHQARMASI” Акциядорлик жамиятининг қуйидагилардан иборат таркибдаги молиявий ҳисоботларини аудитдан ўтказдик:

- 2020 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
- кўрсатилган санада тугаган йил бўйича фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;
- кўрсатилган санада тугаган йил бўйича хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
- кўрсатилган санада тугаган йил бўйича пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;

- ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлар.

#### *Фикр билдириш учун асослар*

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу ҳулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талаблари ва ахлоқий қоидаларига, шунингдек молиявий ҳисобот аудитига тегишли Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ахлоқ меъёрларига мувофиқ жамиятдан мустақилмиз ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

#### *Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги*

Жамият Раҳбарияти молиявий ҳисоботни МҲХС га мувофиқ тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботлар тайёрланишини олдини олиш учун узи зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият Жамият ўз фаолиятини узлуксиз давом эттира олиш имкониятини баҳолашга, зарур ҳолларда фаолият узлуксизлиги билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этишга, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса, фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

#### *Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги*

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Оқилона ишонч ишончининг юқори даражасини белгилайди, лекин АХС ларига мувофиқ ўтказилган аудит мавжуд жиддий хатоларни аниқлашнинг мутлоқ кафолати эмас. Бузиб кўрсатишлар фирибгарлик ёки хатолик туфайли юзага келиши мумкин ва ушбу бузиб кўрсатишлар алоҳида ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим хатолик ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профиссионал мулоҳаза юритамиз ва профиссионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаб ва баҳолаб, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик таваккалчилиги, хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик таваккалчилигидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш,

нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;

- аудитор корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикрини билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида ва бу маълумотлардан раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Файзиева М.Т.

МЧЖ "FTF-LEA-AUDIT" АТ Бош директор

Бердиев Ф.В.

Аудитор.

2021 йил 10 июнь.

Тошкент, Ўзбекистон Республикаси



“4 - SONLI MONTAJ BOSHQARMAST” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2020 ЙИЛ 31 ДЕКАБР ҲОЛАТИГА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

<i>минг ўзб. сўмда.</i>	2020 йил 31 декабрь	2019 йил 31 декабрь
<b>АКТИВЛАР</b>		
<b>Жорий активлар</b>		
Пул маблағлари ва уларнинг эквиваленлари	36 732	585 420
Сотиш бўйича дебиторлик қарзлари	12 515 161	6 925 335
Бошқа дебиторлик қарзлари ва бўнақлар	1 650 989	1 332 104
Товар моддий захиралар	6 480 402	6 683 838
Боғлиқ томонлардан олинган қарзлар ва дебиторлик қарзлари	3 834 697	2 996 456
<b>Жами жорий активлар</b>	<b>24 517 981</b>	<b>18 523 153</b>
<b>Узоқ муддатли активлар</b>		
Асосий воситалар	8 407 132	3 058 624
Сотиш учун мўлжалланган инвестициялар	471	471
Муддати узайтирилган солиқлар бўйича актив	1 085 855	623 287
<b>Жами узоқ муддатли активлар</b>	<b>9 493 458</b>	<b>3 682 382</b>
<b>Жами активлар</b>	<b>34 011 439</b>	<b>22 205 535</b>

2020 ЙИЛ 31 ДЕКАБР ҲОЛАТИГА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ  
(ДАВОМИ)

<b>МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ</b>		
<b>Жорий мажбуриятлар</b>		
Савдо бўйича кредиторлик қарзлари	6 313 843	2 203 898
Ходимлар билан ҳисоблашиш бўйича қарздорлик	5 702 322	4 248 966
Фойда солиғи бўйича мажбурият	1 308 975	232 838
Бошқа солиқлар бўйича мажбурият	1 249 060	603 163
Шартнома бўйича мажбурият	2 440 576	669 495
Боғлиқ томонлардан кредиторлик қарзлари	-	2 904 562
Бошқа қисқа муддатли мажбуриятлар	1 626 346	580 009
<b>Жами жорий мажбуриятлар</b>	<b>18 641 122</b>	<b>11 442 931</b>
<b>Узоқ муддатли мажбуриятлар</b>		
Кредит ва фоизли қарзлар	1 628 003	1 728 003
Бошқа ўзоқ муддатли мажбуриятлар	4 845 221	1 600 000
<b>Жами узоқ муддатли мажбуриятлар</b>	<b>6 473 224</b>	<b>3 328 003</b>
<b>Жами мажбуриятлар</b>	<b>25 114 346</b>	<b>14 770 934</b>
<b>Капитал</b>		
Устав капитали	2 178 120	2 178 120
Тақсимланмаган фойда	6 003 035	5 013 894
Мақсадли жамғармалар	715 938	242 587
<b>Компания таъсисчиларига тегишли капитал</b>	<b>8 897 093</b>	<b>7 434 601</b>
<b>Жами капитал</b>	<b>8 897 093</b>	<b>7 434 601</b>
<b>Жами мажбуриятлар ва капитал</b>	<b>34 011 439</b>	<b>22 205 535</b>

2021 йил 10 июнда жамият раҳбарияти номидан тасдиқланган ва имзоланган.

ХУШНАЗАРОВ ХОЛМУРОД ХАЛИКОВИЧ  
Директор

МАМАТОВ ТАЛЪАТ ИКРОМОВИЧ  
Бош ҳисобчи

**2020 ЙИЛ УЧУН ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ**

<i>минг ўзб. сўмда.</i>	<b>2020 йил</b>	<b>2019 йил</b>
Харидорлар билан шартномалар бўйича тушум	143 607 878	55 091 362
Сотиш таннари	(115 435 586)	(43 038 971)
<b>Ялпи фойда</b>	<b>28 172 292</b>	<b>12 052 391</b>
Маъмурий харажатлар	(3 680 967)	(4 824 838)
Бошқа операцион харажат	(16 418 979)	(6 476 877)
Бошқа операцион даромад	164 337	90 296
<b>Операцион фаолият фойдаси</b>	<b>8 236 683</b>	<b>840 972</b>
Молиявий даромад	-	15
Молиялаштириш бўйича харажатлар	(803 169)	(371 182)
<b>Солиқ тўлагунгача фойда</b>	<b>7 433 514</b>	<b>469 805</b>
Фойда солиғи харажати	(2 822 062)	(96 469)
<b>Йил фойда/(зарари)</b>	<b>4 611 452</b>	<b>373 336</b>
<b>Йил фойдаси, шу жумладан:</b>		
Асосий Компания таъсисчиларига тегишли	4 611 452	373 336
Назорат қилинмайдиган улуш эгаларига тегишли	-	-
<b>Йил фойда/(зарари)</b>	<b>4 611 452</b>	<b>373 336</b>

2021 йил 10 шонда жамият раҳбарияти номидан тасдиқланган ва имзоланган.

ХУШНАЗАРОВ ХОЛМУРОД ХАЛИКОВИЧ  
Директор

МАМАТОВ ТАЛЪАТ ИКРОМОВИЧ  
Бош ҳисобчи

**“4-SONLI MONTAJ BOSHQARMASI” AKCIYADORLIK JAMIYATI**

**2020 ЙИЛ УЧУН ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ЎЗГАРИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ**

<i>минг ўзб. сўмда.</i>	Устав капитали	Мақсадли жамғармалар	Тақсимланмаган foyда	Жами	Назорат қилинмайдиган улуш	Хаммаси
<b>2018 йил 31 декабрь ҳолати</b>	<b>2 178 120</b>	<b>4 043 842</b>	<b>774 559</b>	<b>6 996 521</b>	-	<b>6 996 521</b>
Йил соф фойда/зарари		373 336	373 336	373 336	-	373 336
Йил учун жами фойда умумий суммаси	-	-	373 336	373 336	-	373 336
Хусусий капитал манбалари қайта гуруҳланиши	(3 801 255)		3 865 999	64 744		64 744
<b>2019 йил 31 декабрь ҳолати</b>	<b>2 178 120</b>	<b>242 587</b>	<b>5 013 894</b>	<b>7 434 601</b>	-	<b>7 434 601</b>
Йил соф фойда/зарари		4 611 452	4 611 452	4 611 452	-	4 611 452
Йил учун жами фойда умумий суммаси	-	-	4 611 452	4 611 452	-	4 611 452
Фойдадан мақсадли жамғармаларга ажратмалар		473 351	(473 351)	-		-
Эълон қилинган дивидентлар			(3 148 960)	(3 148 960)		(3 148 960)
<b>2020 йил 31 декабрь ҳолати</b>	<b>2 178 120</b>	<b>715 938</b>	<b>6 003 035</b>	<b>8 897 093</b>	-	<b>8 897 093</b>

*2021 йил 10 июнда жамият раҳбарияти номидан тасдиқланган ва имзоланган.*

**ХУШНАЗАРОВ ХОЛМУРОД ХАЛИКОВИЧ**  
*Директор*

**МАМАТОВ ТАЛЪАТ ИКРОМОВИЧ**  
*Бош ҳисобчи*

“4 - SONLI MONTAJ BOSHQARMASI” AKTSIYADORLIK JAMIYATI

2020 ЙИЛ УЧУН ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

<i>минг ўзб. сўмда.</i>	2020 йил	2019 йил
<b>Операцион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати</b>		
Махсулот ва хизматларни сотишдан тушум	135 358 007	62 779 127
ТМЗ ва хизматлар учун тўлов	(83 081 199)	(28 104 117)
Ходимларга ва улар номидан тўловлар	(34 125 139)	(17 996 763)
Фойда солиғи тўлови	(309 359)	(486 638)
Бошқа солиқлар бўйича тўловлар	(2 231 442)	(12 012 957)
Операцион фаолиятнинг бошқа тушум ва тўловлари(соф)	(10 707 602)	283 724
<b>Операцион фаолиятнинг соф кирим/чиқими</b>	<b>4 903 266</b>	<b>4 462 376</b>
<b>Инвестицион фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати</b>		
Асосий воситалар ва номоддий активлар хариди	(574 112)	(1 344 445)
<b>Инвестиция фаолиятида фойдаланилган пул маблағларининг соф кирим/чиқими</b>	<b>(574 112)</b>	<b>(1 344 445)</b>
<b>Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати</b>		
Тўланган фоизлар	-	(4 874)
Тўланган дивидендлар	(1 774 291)	(31 076)
Олинган қарзларнинг қайтарилиши	-	(2 500 000)
Бошқа молиявий фаолият бўйича олинган(фойдаланилган) пул маблағ	(3 103 552)	-
<b>Молиявий фаолиятда фойдаланилган пул маблағларининг соф кирим/чиқими</b>	<b>(4 877 843)</b>	<b>(2 535 950)</b>
Валюта курси ўзгаришларининг чет эл валютасидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири	-	-
<b>Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари бўйича соф кўпайиш/камайиш</b>	<b>(548 688)</b>	<b>581 980</b>
<b>Йил бошида пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари миқдори</b>	<b>585 420</b>	<b>3 440</b>
<b>Йил охирида пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари миқдори</b>	<b>36 733</b>	<b>585 420</b>

2021 йил 10 июнда жамият раҳбарияти номидан тасдиқланган ва имзоланган.

ХУШНАЗАРОВ ХОЛМУРОД ХАЛИКОВИЧ  
Директор

МАМАТОВ ТАЛЪАТ ИКРОМОВИЧ  
Бош ҳисобчи